

ТУРК ТИЛИДА ХУРМАТНИНГ $-(i)niz$, $-(i)niz$ / $-(u)nuz$, $-(ü)nüz$ КЎШИМЧАЛАРИ ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНИШИ

ИМАМОВА ХОЛИДА

PhD, ТошДШИ

Аннотация. Тадқиқот ишида турк тилидаги ҳурмат категориясининг $-iniz$, $-iniz$ / $-unuz$, $-ünüz$ қўшимчаси орқали ифодаланиши ҳақида фикр юритилади. Бу қўшимчадаги кўплик маъносининг юзага келиши, такомили ва замонавий ифода шаклидаги ҳурматнинг ўрни, “шахс”дан унга оид “жисм”ларга қўчиши таҳлил этилади. Бу ҳодисанинг аналог $-lar$, $-ler$ қўшимчасининг ҳурмат ифодаланишида ҳам кузатилади.

Таянч сўз ва иборалар: турк тили, ҳурмат, $-iniz$, $-iniz$ / $-unuz$, $-ünüz$ қўшимчаси, эгалик, шахс-сон, бутунлик, яқинлик.

Аннотация. Данная статья посвящена употреблению морфем $-(i)niz$, $-(i)niz$ / $-(u)nuz$, $-(ü)nüz$ в турецком языке, выражающих категорию вежливости. В ней говорится о происхождении морфем, эволюции и употреблении в современном турецком литературном языке. Отмечены случаи аналогии с морфемами $-lar$, $-ler$.

Опорные слова и выражения: турецкий язык, вежливость, аффиксы $-(i)niz$, $-(i)niz$ / $-(u)nuz$, $-(ü)nüz$, принадлежность, личные окончания, целостность, близость.

Abstract. The present article considers the using of $-(i)niz$, $-(i)niz$ / $-(u)nuz$, $-(ü)nüz$ morphemes as markers of the category of politeness in the Turkish language. The origin, evolution, usage of these morphemes in modern Turkish language are pointed out. Authentic material shows that above given morphemes $-lar$, $-ler$ are used for the representation of category of politeness as an additional function in the Turkish language.

Keywords and expressions: Turkish language, politeness, affixes $-(i)niz$, $-(i)niz$ / $-(u)nuz$, $-(ü)nüz$, belonging, personal endings, integrity, proximity.

Турк тилида аффиксал морфемалар орқали ҳурмат ифодаланишининг асосида кўплик маъноси ётади. Ҳурмат маъносидаги $-lar$, $-ler$ қўшимчаси негизида микдор тушунчаси бўлса, $-iniz$, $-iniz$ / $-unuz$, $-ünüz$ қўшимчасида эса кўпликдаги шахс тушунчаси мавжуд.

Туркий тиллар тарихида кўплик $-z$ аффикси билан ҳам ҳосил қилинган¹. Бунга қуйидаги сўзларни мисол келтириш мумкин: *meniz* (ҳозирги турк тилида *beniz* – икки ёнок) – юз, *köküz* (ҳозирги турк тилида *gögüs*) – кўкрак, *omuz* (ҳозирги турк тилида *omuz*) – елка, *möjüz* (ҳозирги турк тилида *boynuz*) – шох, мугиз (ўзбек тили шеваларда *мийуз* шаклида ҳам қўлланилади), *ağiz* (ҳозирги турк тилида *ağız*)

– оғиз (унинг икки чакадан иборатлиги назарда тутилган), *köz* (ҳозирги турк тилида *göz*) – кўз. Туркий тиллар тарихида b нинг $>m$ га ва m нинг $>b$ га ўтиш ҳодисаси мавжуд ($b>m$; $m>b$).

Турк тилшуноси З. Кўркмаз $-z$ аффикси ҳақида: “Отларда ва сонларда жамловчилик ёки иккиликни кўрсатувчи кўплик қўшимчаси хусусиятига эга”², деган фикр билдиради. М. Эргин эса, $-z$ қўшимчаси ҳақида сўз юритиб, унинг биргалик, жамлаш маъноларини билдиришини таъкидлайди: “Иккидан еттигача бўлган сонларгагина қўшилади: *iki-z*, *üç-ü-z*, *dört-ü-z*, *beş-iz*, *altı-z*, *yedi-z* каби. Булардан энг кўп қўлланадигани – дастлабки тўрттаси”³.

¹ Ализаде А. Категория числа в азербайджанском языке. Автореф. канд.дисс. – Баку, 1966. – С. 19; Содиков Қ. Туркий тил тарихи. – Т.: ТДШИ, 2009. – Б. 150.

² Korkmaz Z. Türkiye Türkçesi Grameri. Şekil Bilgisi. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 2007. – S. 66.

³ Ergin M. Türkçe Dil Bilgisi. – İstanbul: Bayrak Basım/Yayın/Tanıtım, 2008. – S. 170.

кўшимчалари бирлик учун ҳам қўлланади. Бундай қўлланиш сўзга ҳурмат ва эътибор маъносини юклайди:

Yarın toplantıya gelirken lütfedip kitapları da getirirseniz (getirirsen yerinde) memnun olurum. – Эртага йиғилишга келаётганда, марҳамат қилиб, китобларни ҳам олиб келсангиз (олиб келсанг ўрнида) хурсанд бўламан.

Sizin (senin yerinde) bu konuda onlarla bir görüş ayrılığınız (ayrılığın yerinde) olmaz sanırım¹ – Сизнинг (сенинг ўрнига) бу мавзуда улар билан фикрда ўзгачалигингиз (ўзгачалигинг ўрнига) бўлмайди деб ўйлайман.

Бу фикрларнинг тасдиғи М. Эргиннинг китобида ҳам учрайди².

Қадим даврлардан ҳозирга қадар тараққий этиб келган шахс-сон кўшимчаларининг шаклланиши ҳақида Қ. Содиқов шундай ёзади: Сўзловчи ҳаракатини ифодаловчи феъллардаги шахс-сонни қуйидагича ифодалайди:

Бирликда: *ayur-men, kelür-men.*

Кўпликда: *ayur-biz, kelur-biz.*

Тингловчи ҳаракатини ифодаловчи феъллар учун бирликда: *aldıñ, keldiñ.* Кўпликда: *aldıñız, keldiñiz.*

Бирликдаги ўзга шахс ҳаракатини ифодалаш учун: *aldı, keldi.* Кўплик учун: *aldılar, keldilar.*


Агар шахс таъкидлаб кўрсатилмоқчи бўлса, ундан олдин кишилиқ олмоши орттирилади. Бирликдаги сўзловчи ҳаракати: *men aldım, men keldim,* кўпликда *biz aldık, biz keldik.* Бирликдаги тингловчи ҳаракати: *sen aldıñ, sen keldiñ,* кўпликда *siz aldıñız, siz keldiñiz.*

-siz аффикси бирликдаги тингловчи ҳаракатида, баъзан, ҳурмат маъносини ҳам билдиради: *Ötrü ol awıçğa iğlayu xanqa inçä tip ötünti: Täñrim ne muñ taq boltı-kim, antağ täñri-teg, erdäni-teg ögükünüzni ölüm yiriñä idur-siz?* – Сўнгра ўша қария йиғлаб, хонга шундай дея илтижо қилди: “Тангрим, қандай

мусибатким, шундай тангридек, жавоҳирдек суюклигингизни (яъни ўғлингизни) ўлим ерига юборяпсиз?”³.

Шахс-сон кўшимчалари орқали ҳурмат ифодаланиши ҳаракат-ҳолатни бажарувчи шахсга бўлган муносабат асосида шаклланади.

Демак, турк тилида ҳурматнинг *-(i)niz, -(i)niz / -(u)nuz, -(ü)nüz* кўшимчаси орқали ифодаланиши муайян тарихий жараён билан боғлиқ. Мухими, бу кўшимчада ҳурмат маъноси бирлик шаклга кўплик кўшимчаси, *эгаллик, оидлилик, биргалик* ва *шахс-сон шакллари*ни келтириш орқали ҳосил қилинади. Ҳурмат ифодалашда *-(i)niz, -(i)niz / -(u)nuz, -(ü)nüz* кўшимчаси *-lar, -ler* кўшимчасининг “шахс” тушунчасидан унга тааллуқли буюм, ҳаракат ва ҳолатларда ҳам акс этиш хусусиятига эга бўлади. *-lar, -ler* кўшимчасида бўлгани каби *-(i)niz, -(i)niz / -(u)nuz, -(ü)nüz* кўшимчаси ҳам отларга ҳамда феълларга қўшилиб, ҳурмат маъносини ифодалайди.



¹ Korkmaz Z. Türkiye Türkçesi Grameri. Şekil Bilgisi. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 2007. – S. 570–573.

² Ergin M. Türkçe Dil Bilgisi. – İstanbul: Bayrak Basım/Yayın/Tanıtım, 2008. – S. 282–288.

³ Содиқов Қ. Туркий тил тарихи. – Т.: ТДШИ, 2009. – Б. 184–185.